

**Аллаберганов К.** Мушуксимонлар оиласи // «Кизил китоб»га киритилган сутэмизувчилар. – Тошкент: Фан, 1991. С. 16-23.

### Мушуксимонлар оиласи

Мушуклар — йирткич сутэмизувчилар туркумпшнинг алохида бир оиласини ташкил этади. Уларнинг катта-кичиклиги хар хил булиб, туртта уругга булинади.

Хозирги вақтда уларнинг ер юзида 37 тури яшайди. Шундан 11 та тури СССР да, 8 та тури эса Ўзбекистонда учрайди.

Тартибсиз овлашлар натижасида уларнинг сони кундан-кунга камайиб кетмокда, баъзи бир турлари кирилиб кетиш хавфи остида турипти. Шулар жумласига Туркистон силовсини, Туркистон коракулоги, Малин коплон, **кор борси** ёки **илвирс**, гепардлар киради. Булар Ўзбекистон ССР ва СССР «Кизил китоб» ига киритилган. Хозирги пайтда бу нодир йирткичларни асраб қолишни давлат Ўз мухофазасига олган ва улар учун алохида курикхоналар ажратган, улар устидан уларнинг яшаш шароитлари, биологик ва экологик хусусиятларини урганиш устида купгина илмий текшириш институти ва курикхона ходимлари томонидан илмий тадқиқот ишлари олиб борилмокда ва уларни купайтириш йул-йуриклари изланмокда.

Мушукларнинг тирноклари уткир булиб, юрганда оёк; ичига бутунлай ёки қисман тортилади. Тумшуклари тумтоқ, бошлари юмалоқ, булади. Тишлари 28—30 та. Думлари узун, гавдасини коплаган жуни, аксинча, қискадир. Уларнинг эшитиш ва куриш органлари яхши тараккий этган. Мушуксимонлар сувда сузади, дарахтларга бемалол тирмашиб чиқиб кетаверади. Уларнинг айримлари кош қорайганда, тонг сахарда, хатто кундузлари ҳам овга чиқади. Улар уз улжасига 5—8 метрдан туриб ташланади. Бу йирткичларнинг узун ва бакуват оёғлари жуда тез югуриш учун мослашгандир. Масалан, гепард жахонда энг тез югурувчи хайвон ҳисобланади. Унинг соатига 120 км гача югуриши қайд этилган.

Аммо мушуклар уз улжасини узок қувиб юрмайди, бир неча марта ташланади, холос. Мушуксимонлар ёввойи тоғ эчкиларини, қуйларни, архар, елик, ёш тунгизларни, хар хил кемирувчиларни, уя қуйиб яшовчи қушларни, қалтақесак ва қунгизларни тутиб ейди. Шунингдек сурувдан қолиб кетган улоқ ва қузичокларга ҳам ҳужум қилиши мумкин. Мушуксимонларнинг қичик тури (урмон ва дала мушуги) бир йилда бир неча марта 5—6 тадан болаласа, йириклари (қоплон, илвирс) эса 2—3 йилда бир марта 2—4 тадан бола тугади. Уй мушуги Мисрда яшайдиган малла мушукдақ қелиб қикқан. Бу ёввойи мушукни мисрликлар қадим замонларда қуга ургатганлар. Уй мушуги

Европага факат урта асрда келтирилган. Хозирги пайтда уй мушуклари ер юзида кенг таркалгап булиб, сунъий танлаш йули билан уларнинг турли зотлари яратилган.

**СИЛОВСИН.** Унинг танасининг узунлиги 73—106 см, думи 10—24 см, огирлиги 12—32 кг. Оёклари жуда хам бакувват, йугон, панжалари кенг, калин жунлар билан копланган. Хозиргн пайтда силовсинларнинг сони хам камайиб кетмокда. Шунинг учун улар СССР ва Узбекистон ССР «Кизил китоб»ига киритилган. Силовсинлар асосан баланд-баланд тоғларда хаёт кечиради.

ССЖИ Худудида силовсин Жунгария Олатовида, Тяньшань тизма тоғларининг Талас, Сондалиш чуққиларида; шунингдек Коратовда, Помир-Олой, Жанубий Тожикистон тоғларида, Туркменистоннинг Копетдог тизмаларида; Писком, Угом, Чоткол, Курама, Туркистон, Зомин куриқхоналарида, Хисор, Кухитанг, Боботог тизмаларида таркалган.

Силовсинлар пастки Альп чегараларидаги утлоқлардан тортиб энг юкори Альп урмонларигача учрайди. Улар коялар, арчазор ва бутазорлар орасида хаёт кечиради. Ахён-ахенда сертош усимликсиз жойларда Хам учраб колиши мумкин. Улар кун гирашира ботишидан тортиб туни билан, бахор ва куз ойларида эса тун-кун актив хаёт кечиради.

Силовсинлар хаётининг иккинчи йилида жинсий жихатдан вояга етадилар. Улар январь-февраль ойларида мовга келадилар. Мов пайтида эркак мушуклар кечалари каттик, миёвлайдилар ва бир-бирлари билан уришадилар. Бугозлик даври 64—67 кун давом этади. Одатда 1 тадан 4 тагача бола тугади ва уларни 50 кунга кадар сут билан бокади.

Силовсинлар майда сут эмизувчи хайвонлар, каклик, чиль сингари баъзи бир кушлар билан хам овкатланади. Улар хар хил кемирувчиларни хам тутиб ейди. Шунингдек Сибирь эчкиларига, ахолига якин жоиларда куркаларга хам хужум килади. Силовсинлар одатда кичик улжаларини бошидан бошлаб ейди. Тезакларини кумиб кетади. Хозирги пайтда уларнинг сони камайиб кетмокда. Шунинг учун ов килиш каттик ман этилган. Бу нодир хайвон бутунлай кирилиб кетмаслиги учун Чоткол, Зомин, Хисор тоғ куриқхоналарида мухофаза килинмокда.

**КОРАКУЛОК.** Коракулок каттагина мушук, биров, силовсиндан кичикрок. Танасининг узунлиги 73—80 см, думи 27—32 см, кулок узунлиги 7—9 см, вазни 11,5—12,5 кг келади. Танаси ихчам, оёклари узун, бакувват, панжалари кенг булиб, кумда юриш учун мослашган, каттик, чуткага ухшаш жунлар билан копланган. Бу эса жониворни кумга ботиб кетишдан ва иссикдан саклайди. Коракулокнинг танасига

нисбатан думи киска. Ранги яшаш шароитига мослашган булиб сарик, томогининг ости, корнининг ости, оекларининг ички томони ок тусда. Кулокларининг оркаси кора, шу белгисига караб уни коракулок деб аташади. Коракулок Афғонистон, Эрон, Ирок, Сурия, Покистон, Марказий Осиё, Шимолий Африканинг купгина чулларида таркалган. СССР худудида Устюртда, Шимоли-ғарбий Кизилкумда, Амударёнинг куйи кисмида, Копетдог этакларидан тортиб Жанубий Устюртгача булган текисликларда, камдан-кам холларда Козогистоннинг Мангишлок ва Кизил Урда вилоятларида учрайди. Коракулок хар хил усимликлар билан копланган, саксовул, жузгун, юлгун ва шунга ухшаш буталар усадиган кум барханлари ичида ва гил тупрокли жоиларда учрайди.

Коракулок йилнинг барча фаслларида овкат излаб 20—30 км ли масофани кезади. Киш пайтларида кундуз кунни, езда эса кечалари овга чикади.

Коракулок январь ва февраль ойларида мовга келади. Бугозлик даври 70 кун, апрель ва майнинг биринчи ярмида 2—4 тадан бола тугади. Боласининг ранги худди ота-онасига ухшаш сарик кум рангда булади. Болаларининг кузи 7—8 кундан кейин очилади ва тез усади. 3 хафтадан кейин бемалол юра олади. 2 ойдан кейин ота-онаси билан бирга кушилиб кемирувчиларни овлайди. Асосан куён ва хар хил кемирувчиларни тутиб ейди, бахорда купинча кушлар билан овккатланади. Типратикан, кулвор илон ва бошка хар хил хашаротларни ххам еяверади. Баъзи-баъзида тулки, жайра, жайрон ва отардан колиб кетган улок ва кузичокларга хам хужум килади. Ез пайтлари сувга якинрок жоиларда сув ичишга чикади. Хозирги вақтда коракулокнинг сони жуда камайиб кетган, у кирилиб кетиш хавфи остида турипти. Шу туфайли у халқаро ва СССР «Кизил китоб»ига киритилган. Бу жониворнинг камайиб кетишига сурункасига кор егиши, иклимнинг нокулай келиши сабабли уларни овкат излаб у ердан бу ерга юра олмаслиги ва куплаб ов килишлар сабаб булмокда, шунингдек бурига ухшаш душманлари хам коракулокка талафот келтиради. Хозирги пайтда бу жониворни саклаб колиш учун турли чоралар курилмокда. Тошкент ва Термиз хайвонот боғларида коракулокни купайтириш хусусида илмий ишлар олиб борилмокда, курикхоналар ташкил килинмокда.

МАЛИН мушуксимонлар ичида энг кичиги хисобланади, уни дала мушуги деб хам юритилади.

Малин гавдасининг узунлиги 50—60 см, думи йугон ва тумток булиб 23—30 см, огирлиги 2,5 кг келади. Оёклари калта, аммо йугон ва бакувват. Тумшуги тумток, кузлари катта-катта, кулоклари узун — 4—5 см булиб, бошининг икки томонида Усик

чекка соколи бор. Бу эса жониворни жуда хам хайбатли килиб курсатади. Танасининг жуни калин, аммо момикдай юмшок ранги тук-кулранг. Думининг учи эса коп-корадир.

Малин Туркия, Эрон, Афғонистон, Белужистон, Кашмир, Тибет, Шимолий-шаркий Хитой ва Мугулистонда, шунингдек, Урта Осие жумхуриятларида кенг тарқалган, Жанубий Устюртда, Кизилкумда, Боботог ва Кухитанг тоғларида хам учрайди.

Улар одатда ясси тоғларда, тоғ этакларида, кир ва чулларда хамда баланд тоғларда ҳаёт кечирадилар. Аммо уларнинг сони хам камайиб кетмоқда. Улар бутазор ва ҳар хил утлар усган жарликларда уя қавлаб яшайдилар. Малин тунги йирткич ҳисобланиб кун ботиши арафасиданок фаол ҳаёт кечира бошлайди.

Бу мушукча май ойларида 5—6 тадан бола тугади. Малинлар ҳар хил кемирувчилар жумладан, кумсичкон ва юмронкозиклар билан овқатланади. Кези келганда қалиқ, чилъ, тургайга ухшаш ерга уя қуйиб яшайдиган қушларни хам тутиб ейди.

Малин бошқа ёввойи аждодларига нисбатан анчагина ювош булиб, уни қулга ургатиш мумкин. Уларнинг сони хам камайиб кетган. Шунинг учун уни овлаш қатъиян ман этилган,

КОПЛОН мушуксимонларнинг энг катта вакилларида бири ҳисобланиб, йулбарсдан анчагина кичик, чиройли. Танасининг узунлиги 120-170 см, думи ингичка ва узун булиб 75—102 см, баландлиги 50—80 см, оғирлиги 32—60 кг. Эркаклари ургочисига нисбатан анча катта булади. Коплоннинг қушлари одатда кичик, ранги малла-сарик булиб, очик-қора тамгалари бутун танасини қоплаган. Оёқларининг ички томонлари оқ. Шунча катта булишига қарамай, у дарахтларга бемалол тирмашиб чиқа олади.

Коплон ҳозирги пайтда энг нодир йирткич ҳисобланади. Шунинг учун хам у СССР ва Ўзбекистон ССР «Кизил китоб»идан урин олган.

Коплон Африкада, Кичик Урта, Шаркий ва Жанубий Осиёнинг тоғлик Урмонларида, Қопетдоғда, Катта Кичик Болхонда, Бадхизда ва Амударёнинг юқори оқимларида, Панж дарёси бўйларида, Боботогда тарқалган. Коплон маълум бир Худудда утрок ҳаёт кечиради. Баъзи вақтларда овқат излаб у жойдан бу жойга қучиб утиши хам мумкин.

Коплон бодом, pista ва арча усадиган тоғ ён бағирларида, тик қияликларда жуда эҳтиёткорлик билан яширин ҳаёт кечиради. Улар кун ботиш олдида, туннинг биринчи ярмида ва эрталаб овға хамда сув ичишга чиқадилар. Коплон

уясини қоялар остидаги горларга ёки калин усган усимлик ва бутазорлар орасига қуяди, салкин уясига қурук ут ва барглари тушайди. Бу йирткич ҳаётининг учинчи йили жинсий вояга етади. 12—15 ёгшгача бола туғишга қобилиятли ҳисобланади, декабрь ва январь ойларида урчишга бошлайди. Бугозлик даври 90—95 кун булиб, март ва май ойларида 1 тадан 4 тагача, қупича 2—3 та бола туғади. Болаларини 3 ойгача эмизади. Аммо уларни 2 ойликдан гушт билан боқишга киришади. Болалари оналари билан 1—1,5 йилгача бирга юради. Қоплон туюкли ёввойи ҳайвонларга жуда уқ, у тоғ эчкиси ва қуйни, буги қийик, жайранларни тутиб ейди. Улар тутиб олган улжасининг ичак-чавоғигача ейди, ҳатто учраб қолса улимтиқлардан ҳам тап тортмайди. Тоғларга қор жуда ҳам қуп ёққан йиллари овқат тополмай қолса эшак, от, итларга ҳужум қилади. Бу жонивор йуқолиб кетиш ҳавфи остида турипти. Шунинг учун овлаш, ҳатто тутиш қатъиян ман этилган. Уларнинг ҳозирги пайтдаги ҳаётини урганиш, сонини ҳисоблаб чиқиш ва у учрайдиган Боботоғда жумҳуриятлараро қуриқхона ташкил этиш масалалари қурилмоқда.

ҚОР ҚОПЛОНИ ЁКИ ИЛВРИС анчагина қатта йирткич булиб, танасининг узунлиғи 112—115 см, думи 92—105 см, баландлиғи 60 см, оғирлиғи 40 кг дир. Эркақлари ургочисидан қаттароқ булади. Қузлари қатта, думи узун ва майин. Гавдасининг жуни қалин, юмшоқ, қуланг-қунғир тусда. Танасининг бошдан оёғи қора ёки қора-қунғир ҳалқасимон ҳол-қоллар билан қопланган. Танаси қузинчоқ. оёқлари танасига қараганда анчагина қалта, аммо ихчам. Илврис нодир ҳайвон булиб, сони жуда қамайиб, йуқолиб кетиш арақасида. Шунинг учун ҳам уни СССР ва Ўзбекистон ССР «Қизил қитоб»ига қиритилган. Илврис Марқазий ва Урта Осиё тоғларининг Уртабел қисмида, Жанубий Сибирь, Помир-Олтой тизма тоғларида, Тяньшанда, Қисор тизма тоғларининг тармоқларида, Зомин тоғларининг Гуралассой, Қукбулоқ, Оқтош ва Қуксув ноҳияларида, Қурама, Қотқол ва Уғом тоғларида учрайди. Илврис денғиз сатҳидан 3000—4000 м баландлиқдаги музликларда, қиялик дарраларда, майда тош-шағаллик жойларда яшашни ҳуш қуради. Қишда эса пастрокдаги арқазорларга қучиб утади. Аммо одамга ҳеч ҳужум қилмайди. У ёввойи тоғ эчкиси ва қуйлар яшайдиган баланд қучкиларга, қияликларга уз улжасини излаб боради, қучиб юриб ҳаёт кечиради. Унга қаерда овқат булса бас, у уша ерда яшайди. Илврис асосан кеч қириб қош қорайганда, баъзан эрталаб узига овқат излаб овға қикади. У уз улжасига узокдан туриб

ташланади ва бугизлайди. Агар улжасини тута олмаса бир неча марта сакраб ку'влайди, лекин узокка кувиб бормади.

Илврис узига кулай чукур дарага, коя тошлар орасидаги каттарок ерик ёки горга уя куриб, унда бир печа йиллаб яшайди.

Илврис хаётининг 3—4 йилида жинсий вояга етади. У хар икки йилда бир марта тугади. Февраль-март ойларида мовга келади. Бугозлик даври 90 кун булиб, 1 тадан 5 тагача, купипча 2—3 та бола тугади. Болаларини 3—4 ойгача эмизади. Аммо уларни бир ярим ойлигиданок гушт билан бока бошлайди. Болалари онаси билан бир ярим йилгача бирга юради, кейин ажралиб кетади.

Илврис асосан ёввойи тог эчкилари, куйлари билан овкатланади. Шунингдек чучка болаларини, овкат тополмай колса сугур, куён ва хар хил майда кемирувчиларни хам тутиб ейди. Аммо илврислар уй хайвонларига камдан-кам холларда хужум киладилар. Илврисларнинг камайиб кетишига уларга емиш буладиган еввойи туёкли хайвонлар сонининг камайиши хамда улар яшайдиган жойларга одамлар кириб бориши сабабдир.

Бу мушукни ов килиш умуман таъкикланган. Илврислар Зомин, Чоткол ва Хисор курикхоналарида мухофаза килинмокда ва улар устида илмий тадқиқот ишлари олиб борилмокда.

ГЕПАРД. Гепард йирткичлар туркумининг мушуксимонлар оиласига киради. Танасига нисбатан оёклари узун-узун, жуда ихчам, чиройли, буйнини чузиб бошини кутариб юради. Танасининг узунлиги 128 см, думи 63 см, кулоги 7 см, баландлиги 70 см келади. Эркакларининг вазни 50 кг, ургочиларники эса 40 кг. Кулогининг асоси кенг, учи юмалокрок. Думини киличга ухшаб тутиб юради, аммо уни елкасидан юкори кутармайди. Панжалари кенг, тирноклари ичкарига кайрилган, тумток. Муйнаси саргишрок булиб, хол-хол кора холлари бор, думида хам. Ёзда жуни дагал, сийрак, киска, кишда эса калин ва усикрок булади. Гепард Ирокда, Афгонистонда, Покистонда, Арабистон ярим оролида, Африкада таркалган.

Урта Осиё ва Козогистонда хам учрайди. Шимоли-гарбий Кизилкум ва Устюртда хам сакланиб колган булса керак. Бу мушук кирилиб кетиш арафасида турибди. Шунинг учун хам у СССР ва Узбекистон ССР «Кизил китоб»ига киритилган. Давлат томонидан мухофаза килинади.

Гепард бошка аждодларидан фаркли уларок кундузлари хаёт кечиради. Жазирама ёзда факат сахарда овга чикади. Кун кизиб кетган пайтда кум тепаликларнинг ён багирларидаги бутазорлар соясида куни билан дам олиб ётади.

Хавонинг харорати пасайиб кеч кириши билан яна овга отланади. Бу мушук ой ёругида овга чикишни жуда хуш куради.

Гепардлар мовга фаслнинг хамма пайтларида хам келаверади, купинча баҳорда ёки кузда урчийди. Бугозлик даври 90—95 кун давом этади ва 2 тадан 4 тагача бола тугади. Болалари кузлари юмук ва жуда нимжон тугилади, 20—21 кундан кейингина аста-секин юришга ургана бошлайди. Болаларини 8-11 хафта булгунга кадар эмизади ва бир ярим йилгача узи билан бирга олиб юради, кейин оналаридан ажралиб кетади. Гепард узига маълум бир макон курмай жайран, муфлон сингари ёввойи туёкли хайвонларни овлаш максатида улар изидан эргашиб юриб, хар жойда ётиб кетаверади. Купинча гил тупрокли, майда тошлок тепалик ва жарликларда яшаб, овкат колдикларини кумиб яшириб куяди. Калин утлок ва очик текисликларни ёктирмайди.

Улариинг асосий овкати туёкли хайвонлар булиб, жайрон, сойгок, муфлонлар билап овкатланади. Куён, юмронкозик, кумсичкон ва кушоёкларни хам тутиб ейди. Шунингдек кушларга хам жуда уч булади. Гепарднинг узига хос овози бор, у мушукка ухшаш миёвлайди, лекин овози йугонрок. Бзовталанганда пишкириб тишларини гижирлатади. Баъзан-баъзан эчки каби маърайди хам. Гепард энг тез югурадиган сутэмизувчилардан. Бури за тулкига ухшаш у хам багрини ерга бериб, писиб, улжасига бирданига ташланади. Ови унгидан келмай колса бекорга югуриб уни кувлаб юрмайди.